

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Ходжаев Н.И.¹, Рахимова Ш.Х.¹, Ахмедова М.Д.²

Самарқанд Давлат тиббиёт институти¹
Республика Эпидемиология, микробиология ва юкумли
касалликлар илмий тадқиқот институти²

✓ **Резюме,**

Давлат дастурларини амалга ошириш репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан туғилишларнинг олдини олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашда хизмат қилмоқда.

Калит сўзлар: Соғлом она, соғлом бола, репродуктив саломатлик, ўсмир, дастур.

О МЕРАХ ЗАЩИТЫ МАТЕРИНСТВА И ДЕТСТВА

Ходжаев Н.И.¹, Рахимова Ш.Х.¹, Ахмедова М.Д.²

Самаркандский Государственный Медицинский институт¹
Научно-исследовательский институт эпидемиологии, микробиологии и инфекционных заболеваний РУз.²

✓ **Резюме,**

Выполнение государственных Программ служит улучшению репродуктивного здоровья, превращению рождаемости с дефектами и недугами, развитию материально-технической базы медицинских учреждений и поднятию уровня медицинских кадров.

Ключевые слова: здоровое поколение, здоровый ребенок, репродуктивное здоровье, подросток, программа.

ON MEASURES OF PROTECTION OF MOTHERHOOD AND CHILDHOOD

Hodjaev N.I.¹, Rahimova Sh.I.¹, Ahmedova M.D.²

Samarkand state medical institute¹
Research Institute of Epidemiology, Microbiology and Infectious Diseases²

✓ **Resume,**

Implementation of state programs serves to improve reproductive health, prevent births with defects and ailments, develop the material and technical base of medical institutions and raise the level of medical personnel.

Key words: healthy generation, healthy child, reproductive health, teenager, program.

Долзарблиги

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътиром ифодаси, деб биламиз.

Маълумки, 2016 йил Биринчи Президентимиз ташаббуси билан "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган эди.

Бу борада давлат дастури тасдиқланиб, кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттириб, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Биринчи навбатда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланаётган давлатнинг негизи бўлган оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада кучайтирилди.

Хусусан, жорий йилда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди.

Соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шарти бўлган репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан туғилишларнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун тизимли ишлар амалга оширилди.

Таҳлил мақсади — мамлакатимизда, шу жумладан вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда "Соғлом она ва бола йили"да амалга оширилган тадбирларнинг натижаларини таҳлил қилиш.

Материал ва усуллар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид Фармон ва Қарорлари, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси материаллари олиниб статистик усулларда таҳлил қилинди.

Натижа ва таҳлил

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида қатор йирик тадбирлар ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жи-

ҳозлаш учун жорий йилда 80 миллион доллар қийматидаги кредит ва грант маблағлари йўналтирилди.

Дастурда белгиланган тадбирлар бўйича 9 миллион яқин фарзанд кўриш ёшидаги аёллар ва 10 миллионга яқин болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсонли бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ана шундай ишлар қаторида 700 минг нафар бола пневмокок инфекцияси ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмланди. Дастур доирасида аёлларимиз учун зарур шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш борасида ҳам катта ишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-2221-сонли қарори асосида 2014 - 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичларида оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминланди. Нонормал ривожланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, ногирон болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида маълум ишлар амалга оширилди. Тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга катта эътибор берилди. Аҳолини оналар, чақалоқлар, болалар ва ўсмирларни парваришлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва дастурларда иштирок этишга фаол жалб этилмоқда. Соғлом турмуш тарзига амал қилиш, соғлом ва аҳил оила қуриш афзалликларини тарғиб қилинмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болалар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 297-сонли қарори билан ҳомиладор аёлларни таркибида шу жумладан фолий кислотаси бўлган махсус поливитамин комплекслар билан бепул таъминлаш тартиби 2014-2016 йиллар даврига узайтирилди.

Фақат 2014 йил давомида Самарқанд вилояти миқёсида 116659 нафар ҳомиладор аёлларга 513584 упаковка поливитамин комплекси тарқатилди, бу 93% қамровни ташкил этди.

Тиббий патронаж хизмати самарадорлигини янада ошириш мақсадида вилоятимизда "Тиббий патронаж хизматининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, бу йўналишда жойларда фаолият юритаётган "Саломат-

лик секторлари"нинг ишини янада кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасидаги долзарб вазифалар"га бағишланган семинар ва анжуманлар ўтказилди.

Аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини янада оширишда патронаж хизматининг алоҳида ўрни бор. Замонавий тиббиётнинг муҳим йўналиши бўлган мазкур тизим нафақат тиббий-профилактика, балки инсон саломатлигини муҳофазалашга хизмат қиладиган кўплаб тармоқларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда аҳолига бу йўналишда самарали ёрдам кўрсатиш бўйича мукамал тизим яратилган. Бугунги кунда уч мингга яқин қишлоқ врачлик пункти, юздан зиёд оилавий поликлиникада ўн мингдан ортиқ умумий амалиёт врачлари, 17 мингдан зиёд ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси йилдан-йилга такомиллашиб бораётир.

Бирламчи тиббий-профилактика тизимида патронаж ҳамширалари фаолияти йўлга қўйилгани аҳоли орасига чуқур кириб, оиланинг тиббий-ижтимоий аҳолини ўрганиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда. Самарқанд вилоятида кичик мутахассисларнинг малака ва маҳоратини ошириш, жаҳон тиббиётининг илғор технологияларини уларнинг иш жараёнига татбиқ этиш мақсадида патронаж ҳамшираларнинг ишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди.

Айни вақтда хорижий сармоялар иштирокида қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш, туман ва шаҳарлардаги сув тармоқларини модернизация қилиш мақсадида 100 миллион доллар маблағ жалб этилди.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қиз болалар ўртасида спортни оммалаштириш борасидаги ишларнинг давоми сифатида умумтаълим мактабларида 220 дан зиёд спорт заллари барпо этилди.

Ёш оилалар, тадбиркор аёллар, коллеж битирувчилари, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан йил давомида 2 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Албатта, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширган ишларимиз ҳақида айтадиган бўлсак, ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди. Бу ўз навбатида 2015 йил - "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланганига нисбатан 1,5 баробар кўпдир.

"Соғлом она ва бола йили"да мамлакатимизда олиб борилаётган ишларни аниқ ва равшан кўрсатиш, ижрочилар ва сарф-харажатлар манбаларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-2487 сонли Қарори қабул қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, бундан олдин эълон қилинган "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Мустаҳкам оила йили", "Обод турмуш йили", "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари

ўзаро узвийлик касб этиб, уларнинг амалга оширилиши натижасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкамланди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланди. Халқимиз саломатлик кўрсаткичлари йил сайин ошиб, касалликлар сони камайиб бормоқда.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, уларнинг тиббиётга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, муносабатини ўзгартириш, одамларни рози қилиш каби масалалар халқ манфаатларини ифода этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, уларни патронаж тизими билан қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича амалга оширилган умумдавлат чора-тадбирлари республикадаги ижтимоий-демографик вазиятни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш уларни тўлиқ патронаж тизими билан қамраб олиш, касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, сурунали касалликлар билан оғриган беморларни диспансеризациядан ўтказиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бора-сида жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлилини ташкил этиш ва мониторинг ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 18 мартдаги 112-сонли "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш юзасидан амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди.

Мазкур буйруқ асосида жорий йилнинг март ойидан бошлаб соғлиқни сақлаш вазирлиги, жойлардаги вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш" штаби ташкил қилинди. ушбу штабларнинг тузилмаси, таркиби ва штаб аъзоларининг ҳудудлар тақсимооти ишлаб чиқилди.

Шунингдек аҳолини патронаж хизмати билан қамраб олиш бўйича асосий йўналишлар ҳамда патронаж ҳамшира томонидан амалга оширилидиган ҳаракатлар алгоритми, аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиш алгоритми, аҳолини патронаж хизмати билан қамраб олиш бўйича асосий йўналишлар, репродуктив саломатлик кўрсаткичлари бўйича мониторинг натижасининг кунлик ва ойлик ҳисоботлари ҳамда аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказиш ҳолати бўйича мониторинг жадваллари ва бунинг баробарида юқоридаги вазифалар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни тегишли штабларга тақдим этиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Ушбу буйруқ аҳоли саломатлигини сифат жиҳатидан яхшилаш, жамиятда тиббий маданиятни юк-

салтириш ва амалга оширилган ишларни тизимли, таҳлилий назорат қилиб бориш имконини берди. Албатта, бу каби соҳага оид чиқарилаётган барча меъёрий ҳужжатлар замирида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигининг мужассам эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

Хулоса

1. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида барча манбалар ҳисобидан 7 триллион 480 миллиард сўм ва 190 миллион доллардан зиёд маблағ сарфланди ёки 2015 йил - "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган тадбирларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланганига нисбатан 1,5 баробар кўпдир.

2. "Соғлом бола йили", "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурларини амалга ошириш ўз навбатида репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан туғилишларнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид Фармон ва Қарорларини амалга ошириш натижасида вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тиббий патронаж, саломатлик секторлари ва бошқа хизмат турлари барпо қилинган.

4. "Соғлом она ва бола йили"дан олдин эълон қилинган "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Мустаҳкам оила йили", "Обод турмуш йили", "Соғлом бола йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурлари ўзаро узвийлик касб этиб, уларнинг амалга оширилиши натижасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустаҳкамланди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланди. Халқимиз саломатлик кўрсаткичлари йил сайин ошиб, касалликлар сони камайиб бормоқда.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-2221-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 9 февралдаги "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги ПҚ-2487 сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 декабрдаги "Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" мавзусидаги маърузаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болалар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 297-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 18 мартдаги 112-сонли "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш юзасидан амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи.
6. Самарқанд вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси материаллари.